

1/2023,  
yanvar-  
fevral  
(№ 00063)



## ЛОГИСТИКА KORXONALARINING AKTIVLARI TARKIBI DINAMIKASINING TAHLILI

**Махмудов Самариддин Бахриддинович**

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМининг таянч докторанти. Тошкент, Ўзбекистон. [samariddin.makhmudov@bk.ru](mailto:samariddin.makhmudov@bk.ru)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss1/a12](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a12)

### Аннотация

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда логистика тизимидаги корхоналарнинг активлар таркиби динамикаси таҳлили, логистика хизматларининг ўрни ва аҳамияти илмий назарий жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, логистика тизимидаги корхоналарининг молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** миллий иқтисодиёт, логистика инфратузилмаси, логистика тизими, молиялаштириш, активлар таркиби динамикаси, рентабеллик кўрсаткичлари, иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил.

### АНАЛИЗ ДИНАМИКИ СОСТАВА АКТИВОВ ЛОГИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

**Махмудов Самариддин Бахриддинович**

*Докторант НИЦ « Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ. Ташкент, Узбекистан.*

### Аннотация

В данной статье проводится анализ динамики активов предприятий системы логистики в национальной экономике, исследуются роль и значение логистических услуг, научно-теоретические аспекты. Также выявлены актуальные проблемы, связанные с совершенствованием финансирования предприятий в системе логистики, и разработаны научные предложения, направленные на их решение. В исследовании представлены авторские подходы и предложения.

**Ключевые слова:** Национальная экономика, логистическая инфраструктура, логистическая система, финансирование, динамика состава активов, показатели рентабельности, экономический анализ, финансовый анализ.

### ANALYSIS OF THE DYNAMICS OF THE COMPOSITION OF ASSETS OF LOGISTICS ENTERPRISES

**Makhmudov Samariddin Bakhriddinovich**

*Research center «Scientific bases and issues of development of Uzbekistan economy» under the TSUE, Tashkent, Uzbekistan.*

## **Abstract**

This article analyzes the dynamics of the assets of enterprises of the logistics system in the national economy, examines the role and importance of logistics services, scientific and theoretical aspects. Also, urgent problems related to improving the increase in the volume of exports in the national economy were identified, and scientific proposals were developed aimed at solving them. On the basis of statistical data, econometric models were developed. The study presents the author's approaches and proposals.

**Keywords:** National economy, macroeconomic processes, exports, imports, logistics infrastructure, economic analysis, econometric modeling.

## **Кириш**

Логистика узоқ вақтдан бери савдо корхоналарида рақобатдош устунликларни яратишнинг асосий самарали воситаси сифатида эътироф этилган ва шунинг учун логистика корхоналарни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик кўрсатмаларни топишда кескин муаммо мавжуд. Замонавий иқтисодий шароитда корхоналарнинг молиявий бошқарувининг самарадорлиги ва оқилоналиги, шу жумладан активлар таркиби динамикасини бошқариш зарурати тобора ортиб бормоқда. [1].

Бугунги кунда, хориж бозорларда мамлакатлар ўртасидаги рақобат жараёнларида иқтисодий тизимнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш аҳамияти ошиб бормоқда.

Корхонанинг молиявий ҳолатни баҳолашдан энг асосий мақсадлардан бири ушбу корхонанинг рақобат муҳитида самарали ишлаши учун келажакда ўз имкониятларни максимал даражада аниқлашдан иборат. [2].

Самарали логистика корхона учун рақобатдош устунликларни яратади, уларнинг асосийлари: истеъмолчиларнинг сўровларига ўз вақтида жавоб бериш ҳисобига товарларнинг истеъмол қийматини ошириш, товар-моддий бойликлар ва дебиторлик қарзларининг айланмасини тезлаштириш орқали айланма маблағларни оптималлаштириш, жорий харажатларни ва бошқа харажатларни камайтиришдан иборат. [4]

Бугунги кунда, бозордаги вазиятни ва корхонанинг ундаги ўрнини аниқроқ прогноз қилиш зарурати ортиб бормоқда.

Бундай прогноз, агар у корхонанинг ўтган даврлардаги молиявий ҳолатини баҳолаш натижаларига асосланган бўлса, аниқроқ таҳлилий натижаларга эга бўлади..

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 -2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60 сонли фармонида кўра транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда юк ташиш харажатларини 30 фоизгача камайтириш каби вазифалар қўйилган. [3].

Унга кўра, логистика тизими иқтисодиёт тармоқлар учун ажралмас қисми эканлигини тушунтиради.

Кўплаб мамлакатлар логистика фаолиятдан фойда кўраётганлигини кўришимиз мумкин. Корхоналар логистика ёки таъминот занжири функцияларининг барча фаолиятини боғлаш тенденциясига эга.

Молиявий маънода логистика тизимидаги корхона бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби фаолиятининг самарадорлиги иккита асосий кўрсаткич билан белгиланади. Улар фойда ва рентабеллик кўрсаткичларидир.

Ушбу кўрсаткичлар корхона фаолиятини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга, шунингдек корхонанинг ҳисобот давридаги фаолиятини умумлаштиришга имкон беради.

Шуни ҳисобга олиб, логистика корхоналарни молиялаштиришда моддий-техника таъминотининг ташкилий-иқтисодий таъминланиш даражаси хусусиятлари, унинг самарадорлиги ва активлар таркиби динамикаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тадқиқотлар натижаси, асосий воситалар ва хўжалик фаолиятини ташкилий-иқтисодий таъминлаш қўйи тизимлари ўртасида ички алоқаларни қуришнинг тўғрилиги диагностикаси ва бундай алоқаларни қуришда муаммоли жойларни аниқлашдир. Логистика фаолиятини ташкилий-иқтисодий таъминлашни такомиллаштириш даврида стратегик кўрсатмаларни белгилаш учун асосларни белгилайди.

Бизнинг фикримизча, логистика хизматининг ҳолати ва ривожланиши миллий иқтисодиётда бошқа тармоқлар учун муҳим шароитларни таъминлайди.

### **Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.**

Миллий иқтисодиётда логистика тизимидаги корхоналарни активлар таркибининг ўрни ва аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатлари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларни жорий этиш масалалари бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, иқтисодиётда логистика соҳасининг таъсири бўйича кўплаб назарий илмий ишлар қилинган ва таърифлар берилган. Хусусан, иқтисодчи олим Тарарышкина, Е. Е “корхона активлар таркибидаги дебиторлик қарзларини самарали бошқариш, захиралар ва пул ресурсларининг оптимал нисбати корхоналарнинг муваффақиятли ишлаши учун зарур шартдир” деб таъкидлаган. [5].

Россиялик иқтисодчи олим Иванов, И. Н. ўз илмий ишланмаларида “Корхоналарнинг активлари ва унинг мулкӣ ҳолатини баҳолаш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилишнинг бир қанча усуллари қўлланилади” деб таъкидлаган. [6].

Осиёлик олимлар Янг Х., Ҳан Л., Ли В., Йин Х лар ўз асарларида “активлар тузилишида корхонанинг умумий активларидаги турли активларнинг улуши тушуниб, бунда асосан асосий инвестициялар, қимматли қоғозларга инвестициялар ва ликвидлик инвестициялари улушини билдиради” деб таъкидлаганлар. [7].

Хорижлик иқтисодчи олимлар активлар тузилишини тадқиқ қилдилар. Жумладан, Х .Янг, ва Л. Ҳанлар “бозор фоиз ставкалари ва миллий сиёсат банк инвестициялари активлари таркибига таъсир қилади” деб таъкидлаган. [8].

Улар ўз тадқиқотларида турли хил фоиз ставкалари сиёсати кўчмас мулк саноати улушига сезиларли таъсир кўрсатишини аниқладилар

Хорижлик иқтисодчи олим И. А. Бланк методологиясига кўра, корхона активларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни баҳолашда активларнинг динамикасининг таркиби, уларнинг тузилишини таҳлил қилиш, ишлаб чиқарилган активлар ҳажмининг корхона фаолияти учун етарлигини баҳолаш ҳамда корхона активларини молиялаштириш манбаларининг баҳолашни таъкидлаган. [9].

Унга кўра, бугунги кунда логистика корхоналарининг активлар ҳолати корхона учун жуда муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки у бошқа инфратузилма тармоқлари билан бирга иқтисодий тизимда асосий шароитларни таъминлаган ҳолда муҳим элемент сифатида хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, логистика тизимидаги корхоналарда юқори иқтисодий самарадорликни эришишда активлар таркибини мувофиқлаштириш орқали товар ва

хизматларнинг истеъмолчиларга маҳсулотларнинг таннарх харажатларини минималлаштиришга эришган ҳолда қулай шароит ва арзон нархларда етказиб берилишини таъминлаши, бозордаги рақобатни ўсиши, ҳамда халқаро бозорларда мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш жараёни ҳисобланади.


### **Тадқиқот метадологияси**

Ушбу илмий тадқиқотда методология умумий ва ўзига хос усуллар мажмуаси билан ифодаланади, масалан, таҳлил ва синтез усули, бу муаммони қўйишни дастлабки таҳлил қилиш, мақсадни аниқлаш, олимларнинг позицияларини ошкор қилиш учун ишлатилади. Логистика фаолияти самарадорлигини баҳолашда активлар динамикаси кўрсаткичларнинг ва иқтисодий тизимида логистика таъсирини ўрганилган. Шунингдек, тадқиқотда гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Шунингдек, логистика тизимидаги корхоналарнинг молиявий таҳлили ишлаб чиқилди ва баҳоланди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Биз тадқиқотимизда, логистика корхоналарининг олти йиллик маълумотлар асосида активлари таркиби динамикасининг таҳлилин ишлаб чиқдик. Ушбу корхоналарнинг узоқ муддатли ва жорий активлар, шунингдек жорий активлар таркибига кирувчи товар моддий захиралар, жорий дебиторлик қарздорлиги ва пул маблағлари ўртача ўзгариши даражаси таҳлил қилинди (1-расм).



**1-расм. Республикада мавжуд логистика корхоналарининг активлар ўсиш динамикаси (миллион сўмда).<sup>1</sup>**


1-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, логистика корхоналарини 2016-2021 йиллардаги активлар таркибида узоқ муддатли ва жорий активлар ўсиш динамикасини ташкил этган. Унга кўра ушбу даврда жорий активлари 4 090,90 млн сўмдан 63 643,20 млн сўмгача ошиб қарийб 1 555,70% фоизгача ўсган бўлса, узоқ муддатли активлари 36 190,30 млн сўмдан 126 403,50 млн сўмгача ошиб 349,27 фоизгача ўсиш динамикасини ташкил этган.

<sup>1</sup> Логистика корхоналари молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди

1-расм маълумотларига кўра логистика корхоналари активлари 2016 йилдан 2019 йилгача мунтазам ўсиб борган ҳамда 2020-2021 йилларда маълум даражада активлар таркибида пасайиш юзага келиб унинг асосий сабаби короновирус пандемия даврига тўғри келган.

Логистика корхоналари пандемия даврида жорий активлар таркибида дебиторлик қарздорлик айланувчанлиги, товар моддий захиралар айланувчанлиги, жорий активлар айланувчанлиги ва ROA коэффицентларида пасайиш ҳолати юзага келган.

Биз тадқиқотимизда логистика корхоналарининг жорий активлари такибига кирувчи товар моддий захиралари, жорий дебиторлик қарздорлиги ва пул маблағлари ўртача ўзгариш даражасини таҳлил қилдик (2-расм).



**2-расм. Логистика корхоналарининг жорий активлар ўсиш динамикаси (миллион сўмда).<sup>2</sup>**

2-расмга кўра, 2016-2021 йилларда логистика корхоналарининг товар моддий захиралари, жорий дебиторлик қарздорлик ва пул маблағлари таҳлил қилинганда ўсиш динамикасини ташкил этган.

Унга кўра ушбу даврда товар моддий захиралари 639,0 млн сўмдан 3 864,60 млн сўмгача ошиб 604,70% фоизгача ўсган, жорий дебиторлик қарздорлик 2 377,80 млн сўмдан 12 083,50 млн сўмгача ошиб 508,17 фоизгача ўсган ҳамда пул маблағлари 908,9 млн сўмдан 9 263,2 млн сўмгача ошиб 1 019,16 фоизгача ўсган.

Шунингдек, логистика корхоналарида товар моддий захиралари ва пул маблағлари 2020 йилдан 2021 йилгача кескин ўсиш суръатини ҳосил қилган.

Ушбу даврда логистика корхоналарида юқори даражадаги ҳаракатчанлик мавжуд бўлиб биринчи навбатда, айланма маблағларнинг барча жорий харажатларни қоплаш ва улардада узлуксиз хизмат кўрсатиш жараёнини таъминлаш қобилиятини англатади.

<sup>2</sup> Логистика корхоналари молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди

Логистика корхоналарида пул маблағларининг ўсиш динамикаси корхонанинг молиявий аҳволи мустақамланганлигини кўрсатади ва уларнинг миқдори устувор тўловларни тўла қобилиятини намоён этади.

Тадқиқотимиз давомида логистика корхоналарининг активлари таркиби амалдаги ҳолати бўйича молиявий рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилдик.

Унга кўра, логистика корхоналарининг активлар манбаси бўйича рентабеллик кўрсаткичларини таркибига кирувчи дебиторлик қарздорлик айланувчанлиги, товар моддий захиралар айланувчанлиги, жорий ликвидлик коэффициенти, мутлақ ликвидлик коэффициенти, тез ликвидлик коэффициенти, активлар рентабеллиги (Return on Assets) кўрсаткичлари, айланма активлар рентабеллиги (Return on Current Assets) ва асосий воситалар рентабеллиги (Rate of Fixed Assets) кўрсаткичлари таҳлили ишлаб чиқилди.

Корхонанинг активлар манбаларининг шаклланишини ҳамда уларнинг рентабеллик кўрсаткичларини бирламчи таҳлил қилишда дебиторлик қарздорлик айланувчанлиги муҳим аҳамият касб этади.

**Дебиторлик қарздорлик айланувчанлиги**, бу корхона ўзининг ўртача дебиторлик қарзларини йилига неча марта йиғишдир. Бухгалтерлар ва таҳлилчилар компаниялар ўз мижозларига тақдим этган кредитни қанчалик самарали йиғишларини ўлчаш учун дебиторлик айланмасидан фойдаланадилар.

Ушбу кўрсаткич рақобатбардош бозор муносабатлари шароитида корхона барқарорлигини молиявий таҳлил қилиш учун ишлатиладиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. [10].

Шунингдек, ҳисобланган дебиторлик қарзларининг айланма коэффициенти корхонага етказиб берилган товарлар учун қарзларни қанчалик самарали ундиришини кўрсатади.

$$\text{Дебитор қарздорлик айланувчанлиги} = \frac{\text{Жами тушум}}{\text{Ў.Й.Д.Қ}} (1)$$

Бу ерда, *Ж.Т-Жами тушум, Ў.Й.Д.Қ-Ўртача йиллик дебиторлик қарздорлик*.

1-формулага кўра дебиторлик қарзлар йил давомида қанчалик айланганини билдиради, ёки бошқачароқ айтганда, юқори (паст) рақам қанчалик тез (секин) йиғиб олишни билдиради. [11].

Дебиторлик қарзларининг нақд пулга айланиши ўртача корхонанинг дебиторлик қарзларининг йиғилиши учун кетадиган вақт орқали ҳисобланади. [12].

Шунингдек, корхонанинг ўз мижозларидан дебиторлик қарзларини ундиришда қанчалик самарали эканлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобидир.

Халқаро амалиётда корхоналарнинг дебитор қарздорлик айланувчанлигининг меъёрий қиймати камида 5 марта айланишини ташкил этади.

**Товар моддий захиралар айланувчанлиги**, товар моддий захираларининг сифати, у қанча товар моддий захира сотилгани билан боғлиқ. [13].

Бу кўрсаткич корхонанинг товар моддий захираларининг сотилгунга қадар ўртача қанча вақт сотилмай турилганини билдиради, кўпроқ (камроқ) кунлар товар моддий захиралари сифатини пастроқ (юқорироқ) эканини билдиради.

$$\text{Товар моддий захиралар айланувчанлиги} = \frac{\text{С.Т.Тан нархи}}{\text{ТМЗ}} (2)$$

Бу ерда, *С.Т.Тан нарх - Сотилган товар тан нархи, ТМЗ-товар моддий захиралари*.

**Шунингдек**, Товар моддий захиралари йил давомида қанча сотилганини ва янгиланганини билдиради.

Улар сифат кўрсаткичини билдиради ва қанчалик юқори кўрсаткични ташкил этса, шунчалик ТМЗ сифати ижобий эканлигидан далолат беради.

Амалиётда корхоналарнинг товар моддий захиралари айланувчанлигининг меъёрий қиймати минимум 5 ва 10 марта айланишини ташкил этади.

**Мутлақ ликвидлик коэффиценти**, корхоналарнинг ликвидлигининг асосий мезони ҳисобланади ҳамда қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг қайси қисмини зарурат туғилганда дарҳол тўлаш мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, мутлақ ликвидлик коэффиценти корхона ликвидлиги учун энг қатъий мезондир. [14].

$$\text{Мутлақ ликвидлик коэффиценти} = \frac{\text{П.М} + \text{Қ.М.М.И}}{\text{Жор.Маж}} \quad (3)$$

Бу ерда, *П.М-Пул маблағлари*, *Қ.М.М.И-Қисқа муддатли молиявий инвестициялар*.

Ушбу коэффицент, корхонанинг иқтисодий ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, банкротлик ҳолатида молиявий таҳлилни ўтказишда фойдаланилади.

Хорижий амалиётда унинг меъёрий қиймати 0,2 дан юқори (оптимал қиймат 0,2-0,35) бўлади, мутлақ ликвидлигининг бундай қиймати корхона томонидан 20-35% қисқа муддатли мажбуриятлар пул маблағлари ҳисобига тезкор қайтарилишини англатади.

**Жорий ликвидлик коэффиценти**, корхонада жорий мажбуриятларни ўз вақтида қоплаш учун етарли айланма маблағлари мавжудлигини аниқлаш имконини берувчи кўрсаткич ҳисобланади. [15].

$$\text{Жорий ликвидлик коэффиценти} = \frac{\text{Жор.А}}{\text{Жор.М}} \quad (4)$$

Бу ерда, *Жор.А-Жорий Активлар*, *Жор.М-Жорий Мажбуриятлар*.

Жорий ликвидлик коэффиценти корхонанинг жорий мажбуриятларини фақат айланма маблағлар ҳисобидан тўлашни англатади. Ушбу қиймат қанчалик юқори бўлса, корхонанинг тўлов қобилияти шунчалик яхши эканлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич корхонанинг барча активларини тез фурсатда сотиш мумкин эмаслигидан инобатга олади.

Хорижий амалиётга кўра жорий ликвидлик коэффицентининг нормал қиймати иқтисодиёт соҳаларига қараб 1,5 - 2,5 ни ташкил қилади ҳамда 1 дан паст қиймат юқори молиявий хавфни ифодалаб корхона доимий равишда жорий ҳисоб-китобларни тўлаш қобилиятига қодир эмаслигини кўрсатади.

Шунингдек, 3 дан ортиқ қиймат корхона капиталининг иррационал тузилишини кўрсатади.

Ушбу коэффицент Ўзбекистон шароитида камида 1,25 даражасида бўлиши тавсия этилган.

**Тез ликвидлик коэффиценти**, бу нисбатан чегараланган ўлчов бўлиб, у товар моддий захиралар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олмайди. [16].

Юқорироқ кўрсаткич юқори ликвидликни билдиради ҳамда ушбу коэффицент корхонанинг тўлов қобилиятини баҳолашга имкон берадиган ҳисобланган рентабеллик кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

$$\text{Тез ликвидлик коэффицент} = \frac{\text{П.М} + \text{Д.Қ}}{\text{Жор.М}} \quad (5)$$

Бу ерда, *П.М-пул маблағлари*, *Д.Қ-Дебиторлик қарздорлик*, *Жор.М- жорий мажбуриятлар*.

Ушбу кўрсаткич юқори ликвидли айланма активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатига тенг молиявий коэффицент ҳисобланади. Амалиётга кўра тез ликвидлик коэффицентининг нормал қиймати 1,5 ни ташкил этади.

Жумладан, мутлақ ликвидлик коэффиценти хом ашё ва материаллар етказиб берувчиларга, жорий ликвидлик коэффиценти инвесторларга ҳамда тез ликвидлик коэффиценти тижорат банклар учун муҳим аҳамият касб этади.

**Активлар рентабеллиги (ROA) коэффиценти**, корхона фаолияти самарадорлигини белгилаб берувчи асосий молиявий кўрсаткични аниқлашга замин яратади.

Халқаро амалиётга кўра, активлар рентабеллиги кўрсаткичи корхона соф фойдасининг, кредитлар бўйича фоизларни ҳисобга олмаганда, унинг умумий активларига нисбатини ифодалайди.

Ушбу коэффицент орқали корхона раҳбарияти даромад олиш учун ўз активларидан қанчалик самарали фойдаланиш қобилиятига эга эканлигини тавсифлайди. [17].

$$\text{Активлар рентабеллиги (ROA)} = \frac{\text{С.Ф}}{\text{Ж.А}} \quad (6)$$

Бу ерда, С.Ф- Соф фойда, Ж.А-Жами активлар.

Ушбу кўрсаткичда маълум вақт учун активлар рентабеллигини билиб олиш учун исталган танланган давр учун соф фойдани худди шу вақт давридаги жами активлар миқдорига бўлиш ёки муайян санага ҳисоблаб чиқиш орқали топилади.

Активлар рентабеллиги коэффиценти корхонанинг активларидан тўғри фойдаланиш ҳақида тасаввурга эга бўлади ҳамда уни ҳисоблаш сармоядорларга қараганда молиявий бошқарувчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Активлар рентабеллиги индекси ҳар бир инвестиция қилинган пул маблағлари учун фойда миқдорини ҳисоблаш орқали корхонанинг молиявий ишончилигини, кредит қобилиятини, инвестиция жозибдорлигини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Амалиётга кўра активлар рентабеллиги (ROA) нормал қиймати 1,5 ни ташкил этади.

**Айланма активлар рентабеллиги (RCA) коэффиценти**, корхона даромадлигининг энг асосий кўрсаткичларидан яна бири айланма активлар рентабеллиги кўрсаткичидир.

Умуман олганда корхонанинг иш самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқишда айланма активларининг рентабеллиги ҳақида маълумотга эга бўлиш талаб этилади.

$$\text{Айланма активлар рентабеллиги} = \frac{\text{С.Ф}}{\text{Жор.А}} \quad (7)$$

Бу ерда, С.Ф- Соф фойда, Жор.А-Жорий активлар.

Айланма активлар рентабеллик кўрсаткичи корхонада ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ва фаолиятнинг давом этишини таъминлашда айланма маблағларни шакллантириш учун авансланган қийматни миқдорий жиҳатдан ифодалаб беради.

Айланма активлар рентабеллигини (Return on Current Assets—RCA) ҳисоблаш тадбиркорлик фаолиятига инвесторлар томонидан молиялаштирилган маблағларнинг қанчалик тўлашини, яъни корхона айланма маблағларга қўйилган ҳар бир сўм учун қанча фойда олишини тушунишга имкон беради. [19].

Айланма активлар рентабеллигини ҳисоблаш натижасида қиймат 0 дан катта бўлса, ушбу ҳолатда корхона ўз активларидан етарли даражада самарали фойдаланганини ва корхона ижобий даромад олганини кўриш мумкин.

Амалиётга кўра айланма активлар рентабеллигини (RCA) нормал қиймати 0,05 ни ташкил этади.

**Асосий воситалар рентабеллиги (RFA) коэффиценти**, корхонанинг асосий воситаларга нисбатан етарли ҳажмда фойда олишни таъминлаш қобилиятини намоиш этади.

Ушбу коэффицент кўрсаткичининг юқори эканлиги асосий воситалардан самарали фойдаланиш ва асосий капиталга янги инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддат кичик эканлигидан далолат беради.

$$\text{Асосий воситалар рентабеллиги} = \frac{С.Ф}{У.М.А} \quad (8)$$

Бу ерда, *С.Ф*- Соф фойда, *У.М.А*- Узоқ муддатли активлар.

Амалиётга кўра асосий воситалар рентабеллиги (RFA) нормал қиймати 0,15 ни ташкил этади.

Тадқиқот бўйича логистика фаолияти билан шуғулланувчи "Azia logistik terminal" МЧЖнинг активлар рентабеллик кўрсаткичларининг беш йиллик молиявий ҳисоботлари таҳлили ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

**"Azia logistik terminal" МЧЖнинг активлар рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили<sup>3</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	Меъёрий даражаси
1.	Дебитор қарздорлик айланувчанлиги $\frac{Ж.Т}{Ў.Й.Д.Қ}$	46,27	45,03	8,89	9,02	19,83	min 5 марта ва 10 марта
2.	Товар моддий захиралар айланувчанлиги $\frac{С.Т.Тан нархи}{ТМЗ}$	20,72	4,09	4,02	4,18	10,56	min 5 ва 10 марта
3.	Мутлақ ликвидлик коэффиценти $\frac{П.М + Қ.М.М.}{Жор.Маж}$	0,06	0,27	0,20	0,03	0,004	min 0,2
4.	Жорий ликвидлик коэффиценти $\frac{Жор.А}{Жор.М}$	2,22	2,89	0,32	1,94	1,71	min 1,25
5.	Тез ликвидлик коэффиценти $\frac{П.М + Д.Қ}{Жор.М}$	0,25	0,33	0,21	1,75	1,66	min 1,5
6.	Активлар рентабеллиги (ROA) $\frac{С.Ф}{Ж.А}$	0,06	0,06	0,06	-0,003	0,007	min (0,05-0,20)
7.	Айланма активлар рентабеллиги (RCA) $\frac{С.Ф}{Жор.А}$	0,24	0,31	0,80	-0,008	0,02	min 0,05
8.	Асосий воситалар рентабеллиги (RFA) $\frac{С.Ф}{У.М.А}$	0,07	0,07	0,07	-0,006	0,01	min 0,15

1-жадвалга кўра, корхонада дебитор қарздорлик айланувчанлик коэффиценти 2017 йилда 46,27 марта айланган ҳамда ушбу даврда ўртача йиллик дебиторлик қарздорлик қиймати жами тушумга нисбатан кам бўлган ҳолда айланувчанлик коэффиценти баланд эканлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек айланувчанлик коэффиценти 2019 йилда 8,89 мартача тушган бўлса, 2021 йилда корхона 19,83 мартагача кўтарилган.

Ушбу ҳолатда айланувчанлик коэффицентнинг меъерий даражаси 5 *тадан* 10 мартагача эканлигини инobatга олиб корхона учун харидорлар дебеторлик қарзларини тез тўлаётганидан далолат беради.

Корхонанинг товар моддий захиралар айланувчанлик коэффиценти 2017 йилда 20,72 марта айланган ҳамда ушбу даврда юқори товар айланмаси ҳар доим ҳам ижобий кўрсаткич эмаслиги, захираларнинг тугаганлиги ёки камайганлиги кўриш мумкин, бу эса ишлаб чиқариш жараёнида ўзилишларга олиб келганлигидан далолат беради.

ТМЗ айланувчанлик коэффиценти 2018 йил 2020 йиллар давомида мос равишда 4,09, 4,02 ва 4,18 мартани ташкил этиб ушбу даврларда меъерий кўрсаткичдан кам бўлган.

Бундан кўриниб турибдики ушбу коэффицентнинг пасайиши ортиқча товар-моддий захираларнинг тўпланиши, омборни ёмон бошқариш ва яроқсиз материалларнинг тўплаганидан далолат беради.

Пандемия давридан кейин 2021 йилга келиб айланувчанлик коэффиценти 10,56 марта бўлиб меъерий кўрсаткични қайд этган ҳамда захираларнинг сифатига уларни бошқариш самарадорлигини ижобий томонга ўзгаришига олиб келган.

Корхона мутлақ ликвидлик коэффиценти 2017 йилда 0,06, 2020 йилда 0,03 ва 2021 йилда 0,004 қийматларини ташкил этиб меъерий 0,02 коэффицентдан паст кўрсаткични намоён қилган.

Ушбу даврларда корхона кредиторларнинг талабларига дарҳол жавоб бера олмаган, айланма маблағлари етарли бўлмаганидан тўловга лаёқатсиз ҳолати намоён бўлган.

Корхона ушбу коэффицент бўйича 2018 йил 0,27 ва 2019 йил 0,20 қийматларини ташкил этиб меъерий кўрсаткични қайд этган.

Корхона жорий ликвидлик коэффиценти 2017 йил 2,22, 2018 йил 2,89, 2020 йил 1,94 ва 2021 йил 1,71 қийматларини ҳосил қилиб ушбу коэффицент бўйича юқори ижобий кўрсаткични ташкил этган.

Ушбу ҳолатда жорий ликвидлик коэффиценти корхонадаги барча айланма активлари жумладан қисқа муддатли қарзларни қоплаганлигини, қисқа муддатли қарзларни моддий айланма маблағларни жалб қилмасдан тўланганидан далолат беради.

Жорий ликвидлилик коэффиценти Ўзбекистон шароитида камида 1,25 даражасида бўлишини инobatга олиб корхона ушбу коэффицент бўйича таҳлил қилинган даврда меъерий даражадан юқори бўлган. Ушбу коэффицент нуқтаи назардан корхонанинг молиявий барқарорлик даражаси таъминланган.

Шунингдек, жорий ликвидлилик коэффиценти 2019 йилда 0,32 қийматини ташкил этиб меъерий даражадан паст бўлган. Ушбу ҳолатда жорий мажбуриятларни тўлов қобилятини амалга оширишда қийинчиликлар юзага келган.

Корхонанинг тез ликвидлик коэффиценти 2017 йил 0,25, 2018 йил 0,33 ва 2019 йил 0,21 қийматларини ташкил этиб, меъерий даража (1,5) қийматидан паст бўлган. Унга кўра ушбу кўрсаткичнинг жудаям паст бўлиши, корхонада молиявий

кўрсаткичларида хавф солаётганлигидан ва салбий сигнал мавжудлигидан дарак беради.

Тез ликвидлик коэффиценти бўйича корхона 2020 йил 1,75 ва 2021 йил 1,66 қийматлари билан меъерий даражани қайд этган.

Корхона активлар рентабеллиги (ROA) коэффиценти 2017 -2019 йиллар мобайнида активлар рентабеллик коэффиценти 0,06 ҳосил қилиб меъерий даражани ташкил этган.

Ушбу коэффицент бўйича 2020 йил -0,003 ва 2021 йилда 0,007 қийматларини ташкил этиб меъерий даража (0,05-0,20)дан паст қийматига эга бўлган.

Ушбу ҳолатда мавжуд активлардан самарали фойдаланмаганлиги ва жами активларининг қийматларига нисбатан соф даромадининг камайганлигидан далолат беради.

Шунингдек, активлар рентабеллик даражаси у қадар барқарор ва доимий кўрсаткичларга эга эмас ҳамда ушбу коэффицентнинг олдин ўсиш, кейин пасайиш томон оғиш ҳаракатида бўлган ҳамда ушбу коэффицентининг паст қиймати ҳосил қилиши, пандемия даври билан изоҳланади.

Корхона айланма активлар рентабеллиги (RCA) таҳлил қилинган даврида умумий рентабеллик нуқтаи назарида сезиларсиз пасайиш томон ўзгарган. Унга кўра 2020 йил -0,008 ва 2021 йил 0,02 қийматларини ташкил этиб меъерий даража (0,05)дан паст қийматига эга бўлган.

Ушбу ҳолатда кўрсаткичнинг салбий қиймати корхона ресурсларидан нораціонал фойдаланганлигини кўрсатади. Шунингдек, ушбу даврда корхона салбий рентабеллик кўрсаткичи қўйидаги омиллар билан характерланади. Булар, меҳнат унумдорлигини пасайиши, нарх сиёсатининг ўзгариши ва хизмат кўрсатиш тан нархининг ошиши ва боўқалардир.

Корхона айланма активлар рентабеллиги кўрсаткичи 2017-2019 йилларда меъерий даражани акс эттирган.

Корхона асосий воситалар рентабеллиги (RFA) таҳлил қилинган даврда умумий рентабеллик нуқтаи назаридан меъерий даражасининг паст қийматини ташкил этган.

Таҳлилий маълумотларга кўра 2017-2019 йилларда 0,07 қийматини ташкил қилган бўлса, 2019 йил -0,006 ва 2021 йилда 0,01 қийматларини ташкил этиб ушбу рентабеллик коэффицент тушиб кетди. Ушбу ҳолатда корхонанинг узоқ муддатли активлари ва номоддий активлар қийматига корхонада қўлланадиган амортизация ҳисоблаш усуллари жиддий таъсир кўрсатган. Шунингдек, кўрсаткичнинг пасайиши асосий воситаларни модернизация қилиш самарадорлиги паст эканлигидан далолат беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Иқтисодий тизимда логистика корхоналарнинг молиялаштириш манбалари амалиётларини такомиллаштириш активлар таркибини ўрганиш бўйича олиб борган таҳлиллар ва келинган хулосалар натижасида қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Бизнинг фикримизча логистика корхоналарида активлар рентабеллиги ушбу корхонанинг молиявий узлуксизлигини кафолатлайди.

2. Миллий иқтисодиётда логистика хизматлари кўрсатишнинг молиявий таъминотини ошириш орқали экспорт ҳажмини кўпайишига олиб келади.

3. Логистика корхоналарида активларни ошириш учун асосий кўрсатмалар, ишлаб чиқариш ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, самарадорлик ва логистика

фаолиятининг молиялаштиришнинг муқобил усулларидан фойдаланиш заруратини оширади.

4. Логистика тизимидаги корхоналарнинг молиялаштиришда асосий параметрлари: харажатлар, сифат, вақт ва мослашувчанлигини такомиллаштириш лозим.

Хусусан, бу корхоналардаги активларга таъсир кўрсатади, даромад келтиради ва унинг оқилона ва самарали амалий қўлланилишини осонлаштиради. Шу билан бирга, барча активлар логистиканинг бевосита таъсирига дуч келмайди. Активларни бошқариш, шу жумладан логистика фаолият доирасидаги молиялаштиришни таъминлаш учун биз логистика бўйича ишлаб чиқарилган эффектни корхонанинг ресурсларига таъсир қилишини аниқлашимиз керак. Рентабеллик кўрсаткичларини қўлланилиши маълум даражада логистик корхоналарни молиявий ҳолатини баҳолаш ривожлантириш заруратини оширади.

5. Активлар динамикаси ва рентабеллик кўрсаткичларини таҳлили қилиш логистика корхоналарининг молиявий бошқариш учун муҳим аҳамиятлидир ҳамда ушбу корхоналар айланма активларини бошқаришда риск даражасини оптималлаштириш имкониятини таъминлашда, жорий активларни бошқариш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади.

6. Логистика корхоналарида активларни таркиби ва динамикасини ишлаб чиқишни амалга оширишнинг самарали механизми сифатида ихтисослаштирилган молиявий усуллардан фойдаланиш тавсия этилади, унинг функциялари корхонанинг мақсадига нисбатан бошқарув тури, молиялаштиришнинг барча ноъананавий усуллари, инвестиция жозибадорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда вазифаларни танлаш ва аниқлаштириш, баҳолаш даражасини оширишдан иборат.

7. Корхона активлар рентабеллиги, айланма активлар рентабеллиги ва асосий воситалар рентабеллиги коэффициентлари каби кўрсаткичларнинг логистика харажатларига боғлиқлиги таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унга кўра логистика харажатларининг пасайиши молиявий кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келади. Ва логистика тизимининг молиявий натижаларга таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. N.M. Polyanskaya / Digest Finance, 2020, vol. 25, iss. 3, pp. 333–362
2. Баскакова, О.В. Экономика предприятия (организации) / О.В. Баскакова, Л.Ф. Сейко. - М.: Издательство Ко-Торговая Корпорация «Дашков и Ко», 2013. -372 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисидаги Фармони.
4. Ilchenko N.B (2016). Logistic strategies in trade. Kiev: Kiev. nat. trading econ. Univ., 2016, 432 p.
5. Тарарышкина, Е. Е. Анализ активов фирмы и оценка ее имущественного положения / Е. Е. Тарарышкина. непосредственный // Молодой ученый. 2014. № 18 (77).С. 454-456: <https://moluch.ru/archive/77/13350>
6. Иванов, И. Н. Экономический анализ деятельности предприятия: Учебник [Текст] / И. Н. Иванов. — М.: НИЦ ИНФРА-М, 2013. — С. 35

7. Yang X., Han L., Li W., Yin X., Tian L. Monetary policy, cash holding and corporate investment: Evidence from China. *China Economic Review*. 2017, 46: 110–122.
8. Yang, X., Han, L., Li, W., Yin, X., & Tian, L. (2017). Monetary policy, cash holding and corporate investment: Evidence from China. *China Economic Review*, 46, 110-122.
9. Иванов В. Кому доверить управление активами // Управление компанией. 2016. № 2. С. 46-49.
10. Салимова В. Р. Анализ дебиторской задолженности //Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2016. – №. 6. – С. 32-32.
11. Gorczynska M. Accounts Receivable Turnover Ratio. The Purpose of Analysis in Terms of Credit Policy Management //8th International Scientific Conference on Financial Management of Firms and Financial Institutions, Ostrava, Czech Republic. – 2011.
12. Wajo A. R. Effect of Cash Turnover, Receivable Turnover, Inventory Turnover and Growth Opportunity on Profitability //ATESTASI: Jurnal Ilmiah Akuntansi. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 61-69.
13. Махмудов, С. (2022). ЛОГИСТИК КОМПАНИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ. Экономика и образование, 23(1), 205–211. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/374>
14. Atieh S. H. et al. Liquidity analysis using cash flow ratios as compared to traditional ratios in the pharmaceutical sector in Jordan //International journal of Financial research. – 2014. – Т. 5. – №. 3. – С. 146-158.
15. Noor, Mahmoud I., et al. "The role of cash flow in explaining the change in company liquidity." *Journal of Advanced Social Research* 2.4 (2012):
16. Costea C. D., Hostiuc F. The liquidity ratios and their significance in the financial equilibrium of the firms //The USV Annals of Economics and Public Administration. – 2009. – Т. 9. – №. 1. – С. 252-261.
17. Heikal M., Khaddafi M., Ummah A. Influence analysis of return on assets (ROA), return on equity (ROE), net profit margin (NPM), debt to equity ratio (DER), and current ratio (CR), against corporate profit growth in automotive in Indonesia Stock Exchange //International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences. – 2014. – Т. 4. – №. 12. – С. 101.
18. Г.А. Саматов Б.И. Камильджанов Ф.Р. Галимова “ Логистик бошқарув концепциялари ва моделлари” Ўқув қўлланма. Тошкент 2015
19. Махмудов Самариддин Бахриддинович ЛОГИСТИК КОМПАНИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР // Экономика и финансы (Узбекистан). 2022. №1 (149). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/logistik-kompaniyalarni-moliyalashtirish-b-yicha-nazariy-arashlar> (дата обращения: 23.01.2023).